



MILLIY TIKLANISH

4 (436) ● 2017 йил 25 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП фракцияси аъзолари
 Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасини
 кенг муҳокама қилди

Ватанпарварлик — ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий
 асоси, жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш
 борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч

Халқ таълими вазирлиги тизимида
 "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги
 қонун ижроси ўрганилди

Фракция ҳаёти

Ислоҳотлар бардавомлиги

изчил саъй-ҳаракат ва ташаббусларга боғлиқ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция ва партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифи давомида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқувчи ЎзМТДП фракцияси ва партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида илк ташрифини Қорақалпоғистон Республикасидан бошлагани қорақалпоқ халқига бўлган юксак ҳурмат-эътибордан дарак беради, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жамила Ниёзова. — Ташриф мобайнида Президентимиз, аввало, чекка туманларда бўлиб, ижтимоий соҳа объектлари, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, шифохоналар фаолияти билан яқиндан танишди, оддий халқ билан фаол мулоқот қилди, уларни уйлантираётган масалалар, дарду-ташвишлари, кайфияти билан кизикди.

> 3-бет.

Кенгайтирилган йиғилиш



Сардор Муллажонов суратлари

Долзарб вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида юртимиз ҳаётининг барча муҳим соҳаларидаги ҳақиқий аҳвол таҳлил қилинди, мавжуд камчиликлар кўрсатилиб, тараққиётнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ҳамда сифатини таъминлашдек олижаноб мақсадни рўёбга чиқариш, ушбу жараёнда дуч келинаётган камчиликларни самарали ҳал қилиш бугун ҳар бир раҳбар олдидаги асосий вазифалардандир.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасининг мазмун-моҳияти, аҳамияти, ундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

> 2-бет.

Миллий гуруҳ

Болалар спорти — бўлажак галабалар асоси

Фарзандларимизни жисмонан соғлом, маънан етуқ инсонлар этиб тарбиялашнинг боши омиш — болалар спортини ривожлантириш масаласи мамлакатимизда амалга ошириляётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидандир. Болалар спорти мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисми сифатида ушбу соҳа билан муносиб равишда изчил ривожлантирилмоқда.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йилни мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилди. Шу муносабат билан қабул қилинадиган Давлат дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллашини, бу борада ёшлар учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошланган ишлар янги, юксак босқичга кўтарилишини алоҳида таъкидлади: "Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз".

> 6-бет.

Муносабат

Инсоният тарихидаги энг ривожланган даврда яшаймиз. Фан-техника тараққиёти янги-янги босқичларга кўтаришмоқда, одамларга қулай шарт-шароит ва беқиёс имкониятлар яратилмоқда. Бироқ тинчлик, ҳаёт аввалида бўлганидек, ҳозир ҳам энг тансиқ неъмат. Бунинг дунёнинг ҳар қанча манзараси инсониятга бот-бот эслатиб турибди.

Тинч, барқарор ва фаровон ҳаётимиз кафолати

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёевнинг Ватан химоячиларига байрам табригини ўқиб...

Буларнинг барчаси бизни ягона мақсадга — мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, унинг негизда тараққиётга эришиш борасидаги ислоҳотларнинг ҳаётий самараларини англаб етган ва қадрлаган ҳолда халқимиз танлаган истиқлол ва ривожланиш йўлини изчил давом эттиришга ҳисса қўшиб яшашга ундайди.

> 5-бет.

Илм-фан ютуқлари — мамлакат тараққиётининг гарови

Тараққиёт илм-фан, техникани ривожлантириш, шу соҳа вакиллари фаолият олиб боришлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш бериш воситасида юзага келади. Зеро, улуғлар айтганидек, илм-фан халққа сув-ҳаводек зарур, уни тараққий эттирмаган мамлакат, шубҳасиз, мустамлакага айланади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрда мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндalари билан учрашуви бу ҳаётий ҳақиқатнинг яна бир исботи бўлди. Учрашувда билдирилган фикр-мулоҳазалар, айниса, Президентимизнинг илм аҳлига ҳақли эътирозлари бизни янада катта ғайрат-шижоат билан ишлашга ундади.

Бугун ишлаб чиқаришнинг барча соҳасида амалга ошириляётган янгиланишлар, туб ислоҳотлар илм-фан аҳли олдида бутунлай янги талабларни қўймоқда. Бунда лоқайдлик, эътиборсизлик, тафаккур эринчоқлиги, келажакка интилмаслик каби салбий ҳолатлар билан муроса қилиб бўлмайди.

Президентимиз олимлар билан учрашувда илм-фанни тараққий эттириш, юқори технологик илмий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, конструкторлик-технологик ҳамда инновацион марказлар тузиш ва уларни жадал ривожлантириш учун республикамизда барча шарт-шароит етарли эканини таъкидлади.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

"Оммавий маданият"га йўл йўқ

ёшларимизни унинг салбий таъсиридан асраш — долзарб вазифа



> 6-бет.

Қадимий тангалар маскани

Афина нумизматика музейи Грециядаги энг қадимий ва йирик маданият муассасаси саналади



> 7-бет.

Исирик — минг дардга даво

Исирик Марказий Осиё ҳамда Шарқ халқлари табobatiда қадимдан кенг қўлланиладиган шифобахш ўсимлик саналади



> 8-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи = 158

www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқини!

